Фуқаролар учун

# Бюджет

**2020**

ЛОЙИҲА

Тошкент – 2019

# МУНДАРИЖА


КИРИШ 4

1 | БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ? 6

2 | 2020 ЙИЛ УЧУН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ ВА СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАМДА 2021-2022 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАРИ 10

3 | 2020 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ 17

ДАРОМАДЛАР 17

ХАРАЖАТЛАР 20

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА УНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ 47

ДАВЛАТ ҚАРЗИ 49

4 | ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ 52

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР 54

БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР 56

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил учун Давлат бюджети лойиҳасига бағишланган навбатдаги "Фуқаролар учун бюджет" ахборот нашрини тақдим этади.

Нашрда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йил учун даромадлари ва харажатлари прогнозларини, шунингдек, 2021-2022 йиллар учун бюджет мўлжаллари тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилинади. Нашрнинг биринчи саҳифаларида бюджет жараёнига киритилаётган ўзгаришлар ҳақида асосий маълумотлар келтирилган. Сиз 2020 йил учун Давлат бюджетини тузишда нималар ўзгаришини, республика ва маҳаллий бюджетларга қайси солиқлар тушишини ва уларнинг харажатлар қисмида қандай ўзгаришлар бўлишини билиб оласиз. Муҳим жиҳати шундаки, Олий Мажлис Давлат бюджетини Қонун шаклида қабул қилади. Ўрта муддатли бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлашни назарда тутувчи янги бюджет тақвими жорий қилинмоқда. Бу вазирлик ва идораларга дастурлар ва инвестицион лойиҳаларни ўрта муддатли режалаштириш имконини бериб, инвестор ва солиқ тўловчиларга ўзларининг бизнес-режаларини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ҳукуматнинг солиқ сиёсати соҳасидаги мақсадлари билан танишишингиз мумкин.

Нашрнинг асосий қисми – 2020 йил учун Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларига бағишланган. Даромадлар солиқ турлари кўринишида тақдим этилади. Шу билан бирга ушбу қисмда бюджет маблағлари қайси соҳаларга йўналтирилишини билиб олишингиз мумкин. Харажатлар йўналишлар бўйича (таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) шунингдек, моддалар (иш ҳақи, озиқ-овқат, коммунал харажатлар ва бошқалар) ва маъмурий бирликлар (вазирликлар ва идоралар) бўйича тақдим қилинади.

Мазкур нашр кенг қамровли китобхоналар учун тақдим қилинган. Умид қиламизки, бу тадбиркорларга ўз фаолиятида Ҳукумат томонидан режалаштирилган чора-тадбирларни ҳисобга олишга, шунингдек солиқ тўловчи ва давлат хизматларидан фойдаланувчиси сифатида барча фуқаролар учун фойдали бўлади.

Давлат бюджети лойиҳаси бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларингизни "Очиқ бюджет" порталида қолдиришингиз мумкин.

# 1 БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

**2019**

**2020**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг асосий параметрлари қабул қилинади**

**Ўзбекистон Республикаси Қонуни шаклида**

Давлат мақсадли жамғармалари **3**

**Консолидациялашган бюджет таркиби: Давлат бюджети ва**

**18** та Давлат мақсадли жамғармалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ва Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

Давлат бюджети харажатлари давлат функциялари (иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, марказлашган инвестиция ва бошқалар) бўйича **бюджет сўровини кўриб чиқиш ва жамлаш асосида режалаштирилади**

**Тақсимот жорий этилади**

- Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади)
- Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктирилган)

**Парламент ажратмалари жорий этилади**

– Олий Мажлис палаталари биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари учун парламент ажратмаларини тасдиқлайди.

– тармоқ вазирликлари ва идоралар ўзларининг бўйсунувидаги ташкилотлар ўртасидаги тақсимотни мустақил равишда амалга оширадилар.

Кейинги йил учун бюджет ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ўз ичига олган **Бюджетнома Олий Мажлисга жорий йилнинг 15 октябридан** кечиктирмай киритилади

## Бюджет тақвими

**Вазирлар Маҳкамаси жорий молия йилининг 15 июнига қадар фискал Стратегиясини тасдиқлайди**

- Вазирлик ва идораларга ўрта муддатли давр учун ўз дастурлари ва инвестиция лойиҳаларини режалаштириш имконияти берилади;
- Инвесторлар ва солиқ тўловчиларга бизнес-режаларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

## Бюджет ваколатлари

- Олий Мажлиснинг бюджет жараёнидаги ролини ошириш, шу жумладан бюджетни ижро этиш назорати функцияларини тақсимлаш (бюджет маблағларидан самарали ва ўз вақтида фойдаланилиши юзасидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ҳисоботларини эшитиш);
- Вазирлар Маҳкамасига бюджет маблағларини тақсимловчилари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини маълум бир миқдорда қайта кўриб чиқиш ваколатини бериш;
- маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ваколатларини кенгайтириш (маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини, маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган бюджет маблағларнинг миқдорини тасдиқлаш);
- Парламент ажратмалари тизимини жорий этиш ва ўрта муддатли режалаштиришга ўтишни ҳисобга олган ҳолда Молия вазирлиги функцияларини қайта кўриб чиқиш.

## БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ

Қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети таркибига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.

**2019**

**2020**

**Бюджет секвестери**

**Давлат бюджети харажатларини камайтириш:**

- Тасдиқланган параметрларнинг **3 фоизигача** – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида;
- Тасдиқланган параметрларнинг **3 фоизидан юқори миқдорларда** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамаси таклифига биноан;
- Маҳаллий бюджетларнинг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида, тасдиқланган параметрларда кўзда тутилмаган янги йўналишларга маблағ ажратиш тўғрисида бир вақтнинг ўзида уларни молиялаштириш манбаларини аниқламасдан қарор қабул қилишга йўл қўйилмайди.

**Маҳаллий бюджетларнинг захира жамғармалари ҳажми**

Тегишли бюджетларнинг умумий харажатларидан **1** фоиз

Тегишли бюджетларнинг умумий харажатларидан **1,5** фоиз

**Маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш**

**Маҳаллий бюджетга тўлиқ ҳажмда киритиш:**

- ягона солиқ тўловидан тушумлар;
- абонентлар сонидан келиб чиқиб мобил алоқа хизмати учун акциз солиғи ва аҳоли сонидан келиб чиқиб пиво маҳсулотини ҳисобга олган ҳолда алкогол маҳсулотлари учун акциз солиғи*.

**Харажатларни молиялаштириш:**

- умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар – республика бюджетидан;
- бошқа харажатлари – туман ва шаҳар бюджетларидан;
- тажриба тариқасида Тошкент шаҳридаги умумтаълим, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича инвестиция харажатлари - Тошкент шаҳар бюджетидан;
- туман ва шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини сақлаб туриш, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланган ижтимоий нафақаларни тўлаш – туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан.

**Бюджетлараро трансфертларнинг шакллари**

Таълим ва тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатларини қоплаш учун мақсадли ижтимоий трансфертлар

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги тафовутни қоплаш учун бюджетлараро тартибга солинадиган трансфертлар

** Ҳозирги даврда мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулотлар учун акциз солиғи ишлаб чиқариш корхоналари (мобил алоқа операторлари) жойлашган ҳудуддаги маҳаллий бюджетга тушади. Натижада, алкоголи маҳсулотлар республиканинг барча ҳудудларида сотилиб, акциз солиғи фақат алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар жойлашган ҳудуд бюджетига тўланади. Алкоголь маҳсулотлари ва мобил алоқа хизматларига акциз солиғини маҳаллий бюджетлар ўртасида тегишли ҳудуд аҳолиси (абонентлар) сонидан келиб чиқиб тақсимлаш таклиф этилади.*

# 2 МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ

## ВА 2020 ЙИЛ УЧУН СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАМДА 2021-2022 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичи Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади. 2020-2022 йилларда соф ЯИМнинг ўсиш суръатлари 5,5-6,2 фоиз даражасида прогноз қилинмоқда.

### ЯИМНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ




### СОҲАЛАР БЎЙИЧА 2017-2022 ЙИЛЛАРДА ЯИМ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, ФОИЗДА



ЯИМнинг ўсиши қайси соҳалар (иқтисодий фаолият турлари) ҳисобига таъминланади?

## 2019 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЯИМНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ (КУТИЛАЁТГАН) ВА 2020-2022 ЙИЛЛАР УЧУН ПРОГНОЗ, ФОИЗДА




2020 йил ва кейинги икки йилда инфляция даражаси 2019 йилдаги 15,5 фоиздан 2022 йилда 9,5 фоизга тушиши кутилмоқда.

## 2019 ЙИЛ УЧУН ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ (КУТИЛАЁТГАН) ВА 2020-2022 ЙИЛЛАР УЧУН ПРОГНОЗ, ФОИЗДА



Ташқи савдо айланмаси ҳажми 2020 йилда **46,9 млрд. АҚШ доллари** миқдорида **5,8 млрд. АҚШ доллари** салбий сальдо билан прогноз қилинмоқда. Ташқи савдо айланмаси тақчиллиги ўсишининг асосий омили технологик ускуна ва техника импортининг ошиши.

2019 ЙИЛ УЧУН ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ (КУТИЛАЁТГАН) ВА 2020-2022 ЙИЛЛАР УЧУН ПРОГНОЗ, МЛН. АҚШ ДОЛЛ.




Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун капитал қўйилмалар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ошириш зарур. 2020 йилда **4,0 млрд. АҚШ доллари** миқдоридаги саноат, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмани ривожлантириш соҳаларидаги йирик лойиҳаларга йўналтириладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши кутилмоқда.

2019 ЙИЛДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ (КУТИЛАЁТГАН) ВА 2020-2022 ЙИЛЛАР УЧУН ПРОГНОЗ, МЛН. АҚШ ДОЛЛ.




## 2020 ЙИЛ УЧУН КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ВА УМУМИЙ ФИСКАЛ БАЛАНСИНИНГ ПРОГНОЗИ ВА 2021-2022 ЙИЛЛАР УЧУН БЮДЖЕТ МЎЛЖАЛЛАРИ

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ, 2020 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ ВА 2021-2022 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР, ТРЛН. СЎМ.






### ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ, 2020 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ ВА 2021-2022 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР, ТРЛН. СЎМ




** Давлат мақсадли жамғармаларига ажратилган маблағлардан ташқари.*

Давлат бошқаруви соҳасини тўлиқ ҳисобга олиш ва акс эттириш мақсадида 2020 йилдан бошлаб "умумий фискал баланси" кўрсаткичи амалиётга жорий этилмоқда.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:** Умумий фискал баланси – консолидациялашган бюджет даромадлари ва харажатларини, ва Давлат дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланувчи четдан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олувчи умумий баланс.

### 2020-2022 ЙИЛЛАР УЧУН КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ ВА УМУМИЙ ФИСКАЛ БАЛАНС, МЛРД. СЎМ.




## СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2020 йилда солиқлар ва уларни ҳисоблаш механизми қандай ўзгаради.

### I. БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАР

**Қўшилган қиймат солиғи.** 2019 йилнинг 1 октябридан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача туширилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони).

| | 2019 йил | 2020 йил |
|---|---|---|
| **Солиқ тўловчилар** | Йиллик айланма чегаравий меъёрини **1 млрд. сўм** этиб белгилаш ва ҚҚСнинг соддалаштирилган тартибини амалга татбиқ этиш орқали ҚҚС тўловчилар қамрови кенгайтирилди. | ҚҚС тўловчилар қамрови ушбу солиқ тури бўйича берилган имтиёзларни бекор қилиш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва б.) ва алоҳида тоифа (импортерлар) учун ҚҚС тўловини жорий қилиш ҳисобига кенгайтирилмоқда. |
| **Солиқ ставкаси** | **20 фоиз** | **15 фоиз** |
| **Ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби** | ҚҚСни ҳисобдан чиқариш механизмини қўлламаган ҳолда турли табақалашган ставкалар (4 фоиздан 15 фоизгача) | Бекор қилинади |

## АКЦИЗ СОЛИҒИ

2019 йил 1 октябрдан:

ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СТАВКАЛАРИ ИНДЕКСАЦИЯ ҚИЛИНДИ:

| | |
|---|---|
| алкоголь маҳсулотлари | ЎРТАЧА **10** фоизга |
| тамаки маҳсулотлари | **20** фоизга |
| нефть маҳсулотлари | **6** дан **35** баробаргача |

ҚУЙИДАГИ СТАВКАЛАР ОШИРИЛДИ

| | |
|---|---|
| Табиий газ | **10 дан 20 фоизгача** |
| Суюлтирилган газ | **26 дан 30 фоизгача** |
| Полиэтилен гранулалар | **25 дан 30 фоизгача** |
| Мобил алоқа хизматлари | **15 дан 20 фоизгача** |
| Сигаретларга адвалор ставкалар | **4 дан 9 фоизгача** |

## II. ИШ ҲАҚИ ФОНДИ ВА ИЖТИМОИЙ АЖРАТМАЛАРГА СОЛИҚЛАР

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкасини 12 фоиз миқдорида қолдириш кўзда тутилмоқда.

| 2019 | | 2020 |
|---|---|---|
| Қатъий белгиланган солиқ | **Якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик аъзолари** | Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи (қатъий белгиланган миқдорда) + Йиллик жами даромад бўйича декларацияга мувофиқ ҳақиқатда олинган даромад миқдоридан келиб чиқиб солиқ тўлаш ҳуқуқи |
| Қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган | **“Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари** | “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари даромадларини имтиёзли солиққа тортиш сақланиб қолинади |

Иш ҳақи фондига солиқ юкини тенглаштириш:

| | Солиқ тўловчилар | Ягона ижтимоий тўлов ставкалари | |
|---|---|---|---|
| | | 2019 йилда | 2020 йилда |
| 1 | Бюджет ташкилотлари | **25 фоиз** | **25 фоиз** |
| 2 | Давлат корхоналари, устав фонди (капитали) даги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар; устав фонди (капитали)нинг 50 фоиз ва ундан ортиқ қисми устав фонди (капитали)даги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ва уларнинг таркибий бўлинмалари | **25 фоиз** | **12 фоиз** |
| 3 | 1 ва 2 бандларда кўрсатилмаган бошқа солиқ тўловчилари | **12 фоиз** | **12 фоиз** |

## III. ФОЙДА ВА ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Фойда солиғи — **15 фоиз**

Тижорат банклари учун солиқ ставкалари

Цемент (клинкер) ва полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи, шунингдек, асосий фаолият тури мобил алоқа хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган юридик шахслар учун солиқ ставкалари

**20 фоиз** миқдорида сақлаб қолинмоқда

### ДАВЛАТЛАР БЎЙИЧА ФОЙДА СОЛИҒИ СТАВКАСИ, ФОИЗДА



## ИНВЕСТОР ФОЙДАСИГА УМУМИЙ СОЛИҚ ЮКИ, ФОИЗДА




## IV. РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ

**СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ**

Солиқ ставкаси

**15** фоиз ↑

**МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ**

Жисмоний ва юридик шахслар учун амалдаги солиқ ставкалари сақлаб қолинди

Юридик шахслар учун норматив муддатларда ўрнатилмаган жиҳозлар солиққа тортиш объектидан чиқарилади

**ЕР СОЛИҒИ**

Солиқ ставкаси

**15** фоиз ↑

Ер участкаларининг алоҳида турлари учун улар бўйича илгари берилган имтиёзлар ўрнига ўрнатилган ставкаларга камайиб борувчи коэффициентлар киритиш

# 3 2020 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ

## Даромадлар

2020 йил учун Давлат бюджети даромадлари **128 460,0 млрд. сўм** (ёки ЯИМнинг 20 фоизи) миқдорида режалаштирилган, бу эса 2019 йил якуни бўйича даромадларнинг кутилаётган ижросидан 15 817,1 млрд. сўмга кўпроқдир.

2020 йил учун Давлат бюджетининг кутилаётган тушумларини баҳолашда иқтисодиётнинг реал ўсиши, солиқлар маъмурчилигини такомиллаштириш, алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши, шунингдек нарх ва валюта курсининг кутилаётган ошиши каби омиллар ҳисобга олинган.

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ТУЗИЛМАСИ, 2020 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ (МЛРД. СЎМ)



2020 йил учун прогнозлаштирилаётган Давлат бюджетининг даромадлари тузилмасида билвосита солиқларнинг бироз қисқариши билан, бевосита солиқлар улушининг ўсиш тенденцияси сақлаб қолинмоқда.

## 2019-2020 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ТУЗИЛМАСИНИНГ АСОСИЙ СОЛИҚ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗГАРИШИ, ФОИЗДА




**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРДАН ТУШУМЛАРНИНГ КУТИЛАЁТГАН ОШИШИ ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАНАДИ:**

- ялпи ички маҳсулотнинг ошиши;
- янги ишлаб чиқариш объектларининг амалиётга киритилиши;
- иш ҳақи миқдорининг ошиши.

2020 йилги бевосита солиқлардан тушумларнинг ўсиши шунингдек, ставкалар ўзгариши ва бошқа солиқ элементлари билан боғлиқ.

- Фойда солиғи базавий ставкасини **15 фоизгача** оширилиши
- Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкасини **12 фоиз** миқдорида сақлаб қолиш ва ягона ижтимоий тўлов ставкасини барча тадбиркорлик субъектлари учун тенглаштириш (**12 фоиз**) ҳисобига ходимлар сонини легаллаштириш
- Якка тартибдаги тадбиркорларни қатъий белгиланган солиқ ўрнига жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўлашга ўтказиш
- Ягона солиқ тўловидан тушумларни тўлиқ маҳаллий бюджетларга ўтказиш (2019 йилда Касаба уюшмаси федерацияси ва Давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимланади)

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА 2019 -2020 ЙИЛЛАРДА БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУШУМИ, МЛРД. СЎМ.




| БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРДАН ТУШУМЛАРНИ БАҲОЛАШДА ҚУЙИДАГИЛАР ИНОБАТГА ОЛИНГАН: |
|---|

- ҚҚС бўйича имтиёзларни бекор қилиниши ҳисобига (2019 йил 1 октябридан) солиқ тўловчилар қамровининг ошиши ва солиқ солинадиган базанинг кенгайиши;
- ҚҚС ставкасини 20 фоиздан 15 фоизга туширилиши;
- Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, табиий газ, полиэтилен гранулалар, мобил алоқа ва бошқалар учун акциз солиғи ставкаларининг индексацияланиши

## 2019-2020 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУШУМИ, МЛРД. СЎМ




Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғидан Давлат бюджетига тушумларнинг кутилаётган ўсиши ва ер солиғи ставкасининг ҳар йиллик индексацияланиши, шунингдек юридик шахслар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича алоҳида турдаги объектлар учун илгари берилган имтиёзлар ўрнига камайтирилган ставкаларни қўллаш билан изоҳланади.

## 2019-2020 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА РЕСУРС СОЛИҚЛАРИДАН ТУШУМЛАР, МЛРД. СЎМ




# Харажатлар

2020 йилда Давлат бюджети харажатлари **131 104,5 млрд. сў**м миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда, бу эса 2019 йилда тасдиқланган параметрлардан 22,4 фоизга кўпдир.

## 2020 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАСИ. МЛРД. СЎМ



## 2020 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ




## ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ

Давлат бюджети харажатларнинг қарийб ярми ижтимоий соҳага ёки умумий харажатларнинг 22,9 фоизи таълим соҳасига йўналтирилиши кутилмоқда.




## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ СОНИ

| | 2019 кутилаётган | 2020 прогноз |
|---|---|---|
| Мактабгача таълим муассасалари - жами | **5 847** | **6 213** |
| умумий типидаги | 5 549 | 6 104 |
| санатория типидаги | 9 | 9 |
| ихтисослаштирилган | 159 | 100 |

Болаларни мактабгача таълим муассасаларига (МТМ) жалб қилишни кенгайтириш учун 2020-2021 йилларда янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, шунингдек амалдаги муассасаларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш давом эттирилади.

## 2019-2020 ЙИЛЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ (МТМ) ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ, МЛРД. СЎМ




## 2020 ЙИЛДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН МТМЛАР УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН ШТАТ БИРЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, МЛРД.СЎМ

| | Психолог | Тарбиячи | Тарбиячи ёрдамчиси | Жисмоний тарбия инструктори | Мусиқа раҳбари | Чет тиллари ўқитувчиси | Ўзбек (рус) тили ўқитувчиси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| штат бирлиги | 9 | 158 | 124 | 14 | 24 | 4 | 2,9 |
| млн. сўм. | 247,6 | 2 796,8 | 2 003,2 | 159,3 | 355,6 | 109,0 | 79,2 |

## 2019-2020 ЙИЛЛАРДА МТМЛАРДА ҚАМРОВИНИНГ ОШИРИЛИШИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ. МЛРД. СЎМ

| | 2019 кутилаётган | 2020 прогноз |
|---|---|---|
| Озиқ-овқат харажатлари (бюджет маблағлари, ота-оналар тўлови, ҳомийлар маблағлари), млрд. сўм | 1 442,8 | 1 678,4 |
| МТМни сақлаш учун бюджет харажатлари, млрд. сўм | 4 021,6 | 5 177,0 |
| Ота-оналар бадал режасининг тушуми млрд. сўм | 852,0 | 999,0 |
| Педагоглар сони, минг киши | 95,4 | 111,4 |
| Болалар сони, минг киши | 912,0 | 1 279,8 |

**2019** кутилаётган **2020** прогноз

## УМУМТАЪЛИМ

2020 йилда умумтаълим ва мактабдан ташқари муассасаларини молиялаштириш учун **20 885,2 млрд. сўм** ёки умумий таълим харажатларидан 70 фоизини йўналтириш режалаштирилмоқда

### УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Умумтаълимга йўналтириладиган Давлат бюджетининг харажатлари**
**20 251,7 млрд. сўм.**

**Умумтаълим муассаса-ларининг сони**

**9 786**

| | |
|---|---|
| Умумтаълим мактаблари | **9 474** |
| Ихтисослаштирилган мактаблар | **197** |
| Мактаб-интернатлар | **25** |
| Жисмонан/руҳан заиф болалар учун мактаб-интернатлар | **90** |

| | |
|---|---|
| Ўқувчилар | **5 959** минг киши |
| Ўқитувчилар сони | **467** минг киши |

# МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Мактабдан ташқари таълим болалар мусиқа ва санъат мактабларини ва “Баркамол авлод” мактабларини ўз ичига олади.

## МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини сақлаш учун Давлат бюджети ҳисобидан харажатлар

**482,0** млрд.сўм

**313** та

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари

**86 508** та

нафар таҳсил олувчи бола

Болалар “Баркамол авлод” мактабларини сақлаш учун Давлат бюджети ҳисобидан харажатлар

**151,5** млрд.сўм

**216** та

“Баркамол авлод” болалар мактаблари

**146 750** та

нафар олувчи бола

## 2020 ЙИЛ БОШИГА ҲАР ОЙЛИК ОТА-ОНАЛАР ТЎЛОВИ, БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРИДАН ФОИЗДА *

| | Тошкент ш. | Вилоят марказлари | Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктлари |
|---|---|---|---|
| Мусиқа | 75% | 50% | 30% |
| Санъат | 50% | 30% | 20% |

** 2019 йил 1 октябрь ҳолатига базавий ҳисоблаш миқдори 223 000 сўмдан келиб чиқиб ҳисобланган.*

# ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

## 2020-2022 ЙИЛЛАРГА ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ

| Кўрсаткичлар | 01.01.2020 | 01.01.2021 | 01.01.2022 |
|---|---|---|---|
| Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, сони – жами | 954 | 505 | 505 |
| Ўқувчилар сони, минг киши | 202,3 | 112,2 | 244,8 |
| Ўқитувчилар сони, минг киши | 25,1 | 16,3 | 20,4 |
| Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни сақлаш учун харажатлар, млрд.сўм | 1 718,6 | 2 406,0 | 3 368,4 |

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ

2020 йилда олий таълим соҳасини молиялаштириш учун Давлат бюджети ҳисобидан **2 266,8 млрд. сўм.** йўналтириш режалаштирилмоқда.

## 2020 ЙИЛДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ҚЎШИМЧА МОЛИЯЛАШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ, МЛРД. СЎМ

| Олий таълим муассасалари | млрд. сўм |
|---|---|
| Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Самарқанд филиали | 2,6 |
| Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали | 3,5 |
| Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали | 4,0 |
| Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиали | 3,1 |
| Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали | 3,3 |
| Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали | 3,3 |
| Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиали | 2,4 |
| Тошкент шаҳрида “Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали | 2,5 |
| Тошкент шаҳрида “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали | 2,0 |
| Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиали | 0,9 |
| Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби | 23,7 |
| **Янги ташкил этилган олий таълим муассасаларига харажатлар – ЖАМИ** | **51,2** |

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

2020 йилда Давлат бюджети ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳасига **14 842,6 млрд. сўм** кўзда тутилган.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН ҚОПЛАНАДИ*:**

- шошилинч тиббий ёрдам;
- режали тиббий ёрдам (шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария ёрдами);
- ихтисослашган тиббий ёрдам (шу билан бирга, юқори технологик тиббий ёрдам);
- паллиатив тиббий ёрдам.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 832-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.*

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланган рўйхатга тиббий хизматларнинг аниқ турлари, шу жумладан дори-дармонлар, сарфлаш материаллари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш киритилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари тиббий кўрсатмалар бўлганда асослантирилган мурожаатлар билан рўйхатга киритилган тиббий ёрдамни олиш ҳуқуқига эга.

## 2019-2020 ЙИЛЛАРДАГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ДАСТУРЛАР, МЛН. СЎМ.

| № | Дастурлар | 2019 йил (кутилаётган) | 2020 йил (прогноз) | Ўсиш, фоизда |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш | 41 600,0 | 62 938,0 | 151,3 |
| 2 | 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури | 10 680,0 | 10 680,0 | 100,0 |
| 3 | Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича харажатлар | 6 300,0 | 13 700,0 | 217,5 |
| 4 | Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигининг дастури учун харажатлар | 2 500,0 | 2 900,0 | 116,0 |
| 5 | Болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш харажатлари | 29 493,9 | 29 977,8 | 101,6 |
| 6 | Нейросенсор кар ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун | 26 500,0 | 26 500,0 | 100,0 |

| № | Дастурлар | 2019 йил (кутилаётган) | 2020 йил (прогноз) | Ўсиш, фоизда |
|---|---|---|---|---|
| 7 | Аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш харажатлари | 90 700,0 | 136 045,1 | 150,0 |
| 8 | Аҳолига онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш учун | 47 382,0 | 55 000,0 | 116,1 |
| 9 | Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш | 42 102,8 | 50 849,0 | 120,8 |
| 10 | Грипп ва бошқа ўткир респираторли инфекцияларнинг тарқалишига қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш | 5 000,0 | | |
| 11 | Тиббий ускуналарни сақлаш ва етказиб бериш | 1 918,1 | 5 000,0 | 260,7 |
| 12 | Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва касбий кўникмаларини самарали ташкил этиш | 4 500,0 | 15 000,0 | 333,3 |
| 13 | Республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатиш | | 49 000,0 | |
| 14 | Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш | | 16 179,2 | |
| 15 | Болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар | 138 600,0 | 198 600,0 | 143,3 |
| 16 | Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатлари | | 32 100,0 | |
| 17 | Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш харажатлари | | 25 132,0 | |
| | **ЖАМИ** | **447 276,8** | **747 301,0** | |

# ФАН, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

## ФАН, МАДАНИЯТ ВА СПОРТГА САРФЛАНАДИГАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ, МЛРД. СЎМ




# МАДАНИЯТ

Маданият объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш давлат дастури доирасидаги тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар ажратиш орқали маданият объектларини ривожлантиришда иштирок этади.

## 2020-2022 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ МУЗЕЙЛАРИНИ ВА ТЕАТРЛАРИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН:**

- 3 та театр ва 10 та музей ➡ 2020 йилда;
- 2 та театр ва 10 та музей ➡ 2021 йилда;
- 2 та театр ва 10 та музей ➡ 2022 йилда

## 2020 ЙИЛДА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ

| Йўналишлар | млрд. сўм. |
|---|---|
| Маданий ёдгорлик объектларини қайта таъмирлаш харажатлари | 67,8 |
| “Узбеккино” миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш харажатлари | 61,0 |
| Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси харажатлари | 398,3 |
| Давлат театрлари капитал таъмирлаш харажатлари | 17,0 |

# ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

2020 йилда Давлат бюджети ҳисобидан аҳолига нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловларига **6 573,7 млрд. сўм** миқдорида маблағ ажратилади бу эса 2019 йилда тасдиқланган параметрлардан 23 фоизга кўпдир.

## ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР, МОДДИЙ ЁРДАМ ВА УН НАРХИ КОМПЕНСАЦИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ

| | | 2019 йил (кутилаётган) | 2020 йил (прогноз) |
|---|---|---|---|
| **ОНАЛАРГА НАФАҚАЛАР БОЛАЛАР 2 ЁШГА ТЎЛГУНГА ҚАДАР ПАРВАРИШЛАШ НАФАКАЛАРИ** | Олувчи оилалар сони | 246 699 | 264 132 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм. | 1 228,6 | 1 537,6 |
| **14 ЁШГАЧА БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР** | Олувчи оилалар сони | 255 143 | 265 603 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм. | 703,2 | 949,4 |
| **КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ** | Олувчи оилалар сони | 61 378 | 65 704 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм. | 268,1 | 336,6 |

## БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР

| | | 2019 йил (кутилаётган) | 2020 йил (прогноз) |
|---|---|---|---|
| БОЛАЛИКДАН НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА НАФАҚАЛАР | Олувчилар сони | 266 325 | 286 400 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм | 1 315 | 1 512 |
| КЕКСАЛАР ВА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ФУҚАРОЛАРГА НАФАҚАЛАР | Олувчилар сони | 83 400 | 104 700 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм | 245,7 | 339,3 |
| ДАФН УЧУН НАФАҚАЛАР | Олувчилар сони | 156 000 | 156 000 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм | 127,6 | 140,4 |
| УН НАРХИНИНГ КОМПЕНСАЦИЯСИ* | Олувчилар сони | 1 418 415 | 1 521 006 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм | 328,1 | 912,6 |
| ЎЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИНИ ТЎЛАШ УЧУН ИМТИЁЗЛАР ЎРНИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ | Олувчилар сони | 89 400 | 88 000 |
| | Бюджет харажатлари, млрд. сўм. | 87,1 | 94,3 |

** фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари орқали белгиланган ижтимоий нафақалар олувчилари ҳисобга олмаган ҳолда*

## 2019-2020 ЙИЛЛАРДА КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ СТАЦИОНАР МУАССАСАЛАРИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

| Кўрсаткичлар | 2019 йил (кутилаётган) | 2020 йил (прогноз) | Ўсиш, фоизда |
|---|---|---|---|
| Муассасаларни сақлаш харажатлари, млн. сўм | 340 309,7 | 399 252,4 | 117% |
| 1 кишига кунлик овқатланиш харажатлари, минг сўм | 17,4 | 20,0 | 115% |
| 1 кишига дори-дармон харажатлари, минг сўм | 2,2 | 2,6 | 115% |
| Муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари, млн. сўм | 4 278,5 | 5 062,3 | 118% |

# ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ

2020 йилги Давлат бюджетида **8 трлн. сўм** бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субсидиялар бериш кўзда тутилган.

# ИҚТИСОДИЁТ ХАРАЖАТЛАРИ

2020 йилда Давлат бюджетининг 10 фоизи иқтисодиёт ва марказлашган инвестицияларга йўналтириш режалаштирилган. Иқтисодиёт харажатларига **14 132,3 млрд. сўм** йўналтирилади.

## 2019–2020 ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД. СЎМ.



# МАРКАЗЛАШГАН КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР

2020 йилда Давлат бюджетидан марказлашган инвестициялар учун **13 624,8 млрд. сўм.** маблағ йўналтириш режалаштирилган

## 2020 ЙИЛДА МАРКАЗЛАШГАН КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРГА ХАРАЖАТЛАР МЛРД. СЎМ

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ҚУРИШ, КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ**

**4 163,5**
**млрд. сўм.**

24%

| | |
|---|---|
| **1 751,7** | Мактабгача таълим муассасалари |
| **1 534,2** | Умумтаълим мактаблари |
| **731,2** | Олий таълим муассасалари |
| **140,9** | Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар |
| **55,6** | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари |

**ИЧИМЛИК СУВИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**1 276,6**
млрд. сўм

16%

**ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ**

**1 097,3**
млрд. сўм

13%

**УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**1 514,7**
млрд. сўм

**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ**

**37,8**
млрд. сўм

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ**

**216,3**
млрд. сўм

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**303,4**
млрд. сўм

**БОШҚА ИНВЕСТИЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ**

**5 025,2**
**млрд. сўм.**

**16%**

| | |
|---|---|
| **2 298,2** | Вазирлик ва идоралар |
| **778,8** | Сув хўжалиги вазирлиги |
| **430,0** | Темир йўл линияларини ва метрополитенларни қуриш |
| **546,1** | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари |
| **962,1** | Бошқалар |

## УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ДАСТУРИ

2020 йилда арзон уй-жойлар қуриш ишлари давом эттирилади. Давлат бюджетидан **1 905,0 млрд. сўм** йўналтириш режалаштирилган.

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ, АДЛИЯ, ПРОКУРАТУРА, СУД ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ҲАМДА ННТ ВА БОШҚА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАР

Давлат бюджетидан давлат бошқаруви, адлия,прокуратура ва суд органларини сақлаш харажатлари **6 580,8 млрд. сўмни** ташкил этади, шу жумладан:

| № | Кўрсаткичлар | 2019 йил (кутилаётган) | 2020 йил (прогноз) |
|---|---|---|---|
| 1 | Давлат ҳокимиятининг марказий органлари | 174,6 | 392,7 |
| 2 | Давлат бошқаруви органлари | 3 645,2 | 4 247,6 |
| 3 | Прокуратура ва адлия органлари | 568,3 | 678,3 |
| 4 | Суд органлари | 327,9 | 391,4 |
| 5 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва бошқа фуқаролик институтларини сақлаш харажатлари | 829,9 | 870,9 |



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЗАХИРА ЖАМҒАРМАСИ

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органларининг захира жамғармасига 2019 йилга нисбатан 64,6 фоиздан кўпроқ бюджет маблағлари йўналтирилади. Молия йили давомида қўшимча кутилмаган харажатларни молиялаштириш учун **1 496,3 млрд. сўм** маблағ назарда тутилган.

## БОШҚА ХАРАЖАТЛАР

**22 255,1**
**МЛРД. СЎМ ЁКИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАРИДАН**
**17 ФОИЗИ ҚУЙИДАГИЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ:**



- Элчихоналар ва консулликларни сақлаш харажатлари;
- аъзолик бадалларини тўлаш ва Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ташкилотларни (БМТ, ЮНЕСКО ва бошқалар) молиялаштиришда қатнашиш;
- Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштириш;
- Статистика ишларини бажариш учун Давлат буюртмаси;
- Қабуллар уйини сақлаб туриш;
- Адвокатлар хизматларига тўлов;
- Давлат ишончли вакиллари ҳизматларига тўловлар;
- Бошқарув органларининг бошқа ташкилотлари;
- Мудофаа мажмуаси, давлат захиралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва давлатнинг бошқа тармоқларини молиялаштириш.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2020 ЙИЛ УЧУН ЛОЙИҲАСИ

| № | Кўрсаткичлар | млрд. сўм. |
|---|---|---|
| **I** | **ДАРОМАДЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ** | **128 460,0** |
| **1.** | **Бевосита солиқлар** | **40 719,0** |
| 1.1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 22 051,1 |
| 1.2 | Ягона солиқ тўлови | 2 599,9 |
| 1.3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 16 068,0 |
| **2.** | **Билвосита солиқлар** | **58 244,1** |
| 2.1 | Қўшилган қиймат солиғи | 44 193,2 |
| 2.2 | Акциз солиғи | 11 339,0 |
| 2.3 | Божхона божи | 2 712,0 |
| **3.** | **Ресурс тўловлари ва мулк солиғи** | **20 690,4** |
| 3.1 | Мол-мулк солиғи | 2 410,3 |
| 3.2 | Ер солиғи | 2 315,8 |
| 3.3 | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 15 616,6 |
| 3.4 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 347,7 |
| **4** | **Юқори даромаддан олинадиган солиқ** | |
| **5** | **Бошқа даромадлар** | **8 806,5** |
| **II.** | **ХАРАЖАТЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ** | **131 104,5** |
| **1.** | **Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари** | **66 018,1** |
| | шундан: | |
| 1.1.1 | таълим | 30 048,0 |
| а. | мактабгача таълим | 5 177,0 |
| б. | умумтаълим | 20 885,2 |
| в. | кадрлар тайёрлаш | 3 985,4 |
| 1.1.2 | соғлиқни сақлаш | 14 843,0 |
| 1.1.3 | маданият ва спорт | 2 291,0 |

| № | Кўрсаткичлар | млрд. сўм. |
|---|---|---|
| 1.1.4 | фан | 1 029,0 |
| 1.1.5 | нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари | 6 574,0 |
| 1.1.6 | хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб қуватлаш | 720,0 |
| 1.2. | Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субдсидиялар | 8 000,0 |
| 1.3. | Уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари | 1 905,0 |
| **2.** | **Иқтисодиёт харажатлари** | **14 132,3** |
| | шундан: | |
| 2.1 | сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари | 4 563,0 |
| 2.2 | геология-қидирув ишлари | 2 295,0 |
| 2.3 | аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш | 2 071,0 |
| 2.3 | умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни ривожлантириш | 2 043,0 |
| 2.4 | уй-жой коммунал харажатлари | 594,0 |
| 2.5 | суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш | 379,0 |
| 2.6 | табиатни муҳофаза қилиш | 247,0 |
| **3.** | **Марказлашган инвестиция харажатларини молиялаштириш** | **13 624,8** |
| **4.** | **Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари** | **5 318,6** |
| **5.** | **Суд органларини сақлаш харажатлари** | **391,4** |
| **6.** | **Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлирини сақлаш ва ННТларини қўллаб-қувватлаш харажатлари** | **870,9** |
| **7.** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари** | **1 496,0** |
| **8.** | **Иш хақи миқдори ва коммунал хизматлар тарифларини ошиши билан боғлиқ харажатлар** | **3 167,4** |
| **9.** | **Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз харажатлари** | **2 329,7** |
| **10.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари** | **1 500,0** |
| **11.** | **Бошқа харажатлар** | **22 255,1** |

## 2020 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАСНИФИ БЎЙИЧА ПРОГНОЗИ, МЛРД. СЎМ

| № | Харажатлар тури | 2020 – прогноз |
|---|---|---|
| **Жами харажатлар** | | **131 104,5** |
| *шундан:* | | |
| 1 | Иш ҳақи ва стипендияларни тўлаш | 49 759,9 |
| | шундан: | |
| 1.1 | Иш ҳақи | 49 177,2 |
| 1.2 | Стипендиялар | 582,7 |
